

# Халқ сўзи

**Ўзбекистон – келажаги буюк давлат**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 4 март, № 45 (6480) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЕТУК АВЛОД

## келажагимизнинг муносиб бунёдкорларидир

*Соғлом, билимли, дунёқараши кенг, ўз фикри ҳамда нуқтаи назарига эга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишга интиладиган ёшларни вояга етказиш масаласи давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Шу боис истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ таълим тизими, унинг узвий қисми бўлган спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Зеро, соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир.*



**КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ**

Айтиш жоизки, бу борада зарур ҳуқуқий асослар яратилган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, янги таҳрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонун, Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ҳамда 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари ана шулар жумласидандир. Уларнинг изчил ижроси туфайли ҳар йили республикамиз шаҳар ва қишлоқларида бири-биридан кўркам замонавий таълим муассасалари, спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари барпо этилаётир. Ўз навбатида, мазкур иншоотларни малакали мураббийлар ҳамда ускуна-жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Биргина 2015 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан спорт иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича манзилли дастурни амалга ошириш доирасида умумий қиймати 225 миллиард сўмдан ортиқ 35 та намунавий спорт маскани, 12 та сузиш ҳавзаси, 174 та мактаб спорт заллари фойдаланишга топширилгани баркамол авлод тарбияси биз учун нечоғли муҳим эканини амалда тасдиқлайди.

Яна бир ўзига хос ноёб тажриба хусусида фикр юритиш ўринлидир. Юртимизда уч босқичли — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада ўйинлари йўлга қўйилган. Ушбу узлуксиз тизим эртамиз эгаларини Ватанга муҳаббат ҳамда садоқат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, Ўзбекистон байроғини халқаро майдонларда баланд кўтарадиган маҳоратли спортчиларни вояга етказишда беқиёс аҳамиятга эга. Мазкур мусобақалар бежиз "кичик Олимпиада" дейилмайди. Сабаби, бу спорт ўйинлари халқаро Олимпиада мезонлари ва талабларига тўла риоя этилган ҳолда ўтказилади. Шу зайлда ёшлар тобланади, чиниқади, келгусида халқаро мусобақаларда қатъий ишонч билан иштирок этади. Шундай бўлаяпти ҳам. Йигит-қизларимиз Осиё ва жаҳон чемпионатлари, тўрт йилликнинг нуфузли мусобақаларида юксак марраларни эгаллаб, истиқлол фарзандлари ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлашаяпти.

(Давоми 2-бетда).

**САНА**

Халқимиз азалдан фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор ва масъулият билан ёндашиб келади. Ушбу олижаноб фазилат истиқлол йилларида юксак қадрланиб, бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлар кўлами янада кенгайди. Соғлом ҳамда баркамол авлодни вояга етказиш жамиятимизнинг муҳим вазифасига айланди.

# Эзгулик ва истиқбол ифодаси

**«Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилганига 23 йил тўлди.**





Бундан роппа-роса 23 йил муқаддам, яъни 1993 йил 4 март куни Президентимиз Фармони билан таъсис этилган мустақил юртимизнинг илк ордени "Соғлом авлод учун" деб номланганида ҳам чуқур маъно-мазмун мужассам.

Соғлом авлод — мамлакатнинг куч ва қудрати, порлоқ истиқболини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Шу боис республикамизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ёш авлодни баркамол этиб вояга етказиш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олинган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил йўналтирилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мазкур тизимда янгиланишларни самарали амалга оширишга мустаҳкам пойдевор бўлди. Юртимизда кўркам касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, мактаблар қад ростлади. Бу борадаги чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Эндиликда ўқувчилар дарсларни замонавий ўқув жиҳозлари, компьютерлар ёрдамида пухта ўзлаштиришаётир. Бу эса таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатаяпти.

Фарзандларимизни айни пайтда жисмонан етук этиб тарбиялаш борасидаги ишлар ҳам диққатга сазовор. Хусусан, ҳар йили республикамиз ҳудудларида кўркам спорт мажмуалари барпо қилинмоқда. Уларда миллионлаб ёшлар машғулотларда қатнашаётир.

(Давоми 2-бетда).

**ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ**

Навоий вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмиталари томонидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши билан биргаликда ўтказилган тадбирда мазкур ҳудудда эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижроси ҳамда ушбу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

# Иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили

Иштирокчилар махсус иқтисодий зоналар фаолиятини йўлга қўйиш мамлакатга чет эл капиталини жалб этишда муҳим ўрин тутишини таъкидлашди. Чунки улар бозор муносабатларининг самарали воситалари ҳисобланади. Шу билан бирга, миллий иқтисодиётни янада модернизациялаш ва диверсификациялаш, халқаро бозорда рақобатдошликни ошириш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида инвестициялар ҳажмини кўпайтиришга имкон беради.

Мамлакатимизда иқтисодий зоналар фаолиятининг ҳуқуқий асоси шакллантирилган. "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Қонун мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Навоий вилояти мамлакатимизнинг йирик индустриал марказларидан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2008 йилнинг декабрида юртимиз тарихидаги биринчи эркин индустриал-иқтисодий зона айнан шу вилоятда ташкил этилди. Халқаро стандартларга жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш вазифаси қўйилди.

Президентимизнинг "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, ЭИИЗ ҳудудида алоҳида божхона, валюта ва солиққа оид тартиб жорий қилинган, кириш йўллари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги бўлмаганларнинг меҳнат фаолиятини рўёбга чиқаришга рухсат бериш таомили соддалаштирилган.

(Давоми 2-бетда).

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА**

# ДЕПУТАТЛАР ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

3 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



Депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламент қуйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар олдиндан сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлисларида вазирликлар ҳамда идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида дастлабки тарзда муҳокама қилинган эди.

Мажлисда таъкидландики, мамлакатимизда фуқароларнинг меҳнат қилишга, ишни эркин танлаш ва қулай меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларини таъминлашнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу соҳага оид қонун ҳужжатлари изчил такомиллаштирилаётир.

Янги таҳрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси жараёнида депутатлар қайд этиб ўтдиларки, фуқароларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид конституциявий ҳуқуқларининг кафолатларини янада мустаҳкамлаш зарурати бозор иқтисодиётининг изчил ривожланиши, ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ислоҳотларнинг ҳуқуқий майдонини ривожлантириш билан боғлиқ.

Қонун лойиҳаси дастлаб қуйи палата қўмиталарининг аъзолари томонидан фуқаролик жамияти институтлари, меҳнат жамоалари вакиллари, мазкур соҳанинг мутахассислари иштирокида жойларда муҳокама этилди, бу эса қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан қатор таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш имконини берди. Қонун лойиҳасининг муҳокамаси парламент қуйи палатасидаги Демократик кучлар блоки ва мухолифат фракциялари мажлисларида ҳам бўлиб ўтди. Мажлислар якунларига кўра, мазкур ҳуқуқий ҳужжат бўйича уларнинг нуқтаи назарлари шакллантирилди.

— Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида биз давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда белгиланган устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратдик.

(Давоми 2-бетда).

# Ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон — Ҳиндистон ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

**БИЗНЕС-ФОРУМ**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда икки мамлакатнинг соғлиқни сақлаш тизими, фармацевтика саноатига масъул вазирлик ҳамда идоралари, дори воситалари, тиббий ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган компания ва концернлари раҳбарлари қатнашди.

Таъкидланганидек, юртимизда тиббиёт муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, фармацевтика саноатини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада маҳаллий хом ашё асосида импорт ўрнини босувчи дори воситалари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, шунингдек, корхоналар экспорт салоҳиятини юксалтиришга эришилаяпти. Жумладан, бугунги кунда маҳаллий корхоналар томонидан 90 фармакотерапевтик гуруҳга мансуб бўлган 1700 дан зиёд дори воситалари ишлаб чиқарилаётир.

(Давоми 2-бетда).




Барқарор фаолият ва самарадорлик гарови

Фидойи ўғлонлар доим ардоқда

Истиқлол берган саодат

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

Ўтган йили юртимизда

**158** та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилди.



*Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган инвестициялар, энг аввало, саноатни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш, янги қувватларни ишга туширишга йўналтирилаётгани туфайли энергетика, автомобилсозлик, газ-кимё каби соҳаларда ана шундай муваффақиятга эришилди.*

# ДЕПУТАТЛАР ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Умумий принцип ва механизмларни белгиловчи нормалар мумкин қадар батафсил кўриб чиқилди, ҳавола қилувчи нормалар камайтирилди, — дейди Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ё. Умаров. — "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири қонун нормаларини янгидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, шунингдек, бозор иқтисодиётининг, демократик ислоҳотларнинг замонавий талаблари билан мувофиқ ҳолга келтиришга, ижтимоий шерикликни мустаҳкамлашга, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ва меҳнатга оид қонун ҳужжатларини ривожлантиришга қаратилган. Қонунда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш борасида давлат органларининг ваколатларини аниқ белгилаш, меҳнат шароитлари давлат экспертизасига доир талабларни ўрнатиш, иш ўринларининг аттестациясини ўтказиш, меҳнатни муҳофаза қилиш аудитини ташкил этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларни бузганлик учун иш берувчи ва ходимларнинг жавобгарлигини кучайтириш назарда тутилган.

Муҳокама давомида депутатлар янги таҳрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларининг қўлланилиши масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Кўриб чиқилаётган қонун меҳнатни муҳофаза қилиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий асосга айланажаги таъкидлаб ўтилди.

Қайд этилдики, қонун лойиҳаларини тайёрлаш чоғида уларнинг давлат бошқарувининг, фуқаролик жамияти институтларининг турли даражаларида таъсирчан муҳокамасини ташкил этишга катта эътибор қаратилди. Қонун ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнида етакчи мутахассислар, олимлар, тегишли соҳалар амалиётчилари, фуқаролик институтларининг вакилларидан иборат Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳузурида ташкил этилган эксперт гуруҳларининг аъзолари фаол қатнашдилар. Қонун лойиҳаларининг оммавий ахборот воситаларида муҳокамаси ташкил қилиниб, бунда уларнинг моҳияти ва аҳамияти кенг жамоатчилик эътиборига етказилди.

Мажлис иштирокчилари ўтган йил декабрь ойида биринчи ўқишда қабул қилинган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратдилар. Демократик кучлар блокининг таклифига кўра, янги таҳрирдаги мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Республикамизда бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига хўжалик юритувчи субъектлар томонидан риоя этилишини, ушбу соҳада яхлит тизимни шакллантиришга доир вазифаларнинг самарали ҳал этилишини таъминловчи бухгалтерия ҳисоби тизимининг юзага келиши ва шаклланишининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилганлиги таъкидланди.

Мажлис иштирокчилари таъкидладиларки, таклиф этилаётган янгиликлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонларида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилади. Киритилаётган янгиликлар, шунингдек, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш борасида мансабдор шахсларнинг, бухгалтерия хизмати раҳбарларининг жавобгарлигини янада оширишга ёрдам беради. Қонун халқаро принциплар ва стандартларга мувофиқ бухгалтерия ҳисоби тизимининг янада ривожланиши, иқтисодиётнинг ўсиши учун қўшимча шароит ва имкониятлар яратади.

— Айрим тушунчаларнинг ўз вақтида мустаҳкамлаб қўйилаётганлигини, хусусан, "бухгалтерия ҳисоби", "бухгалтерия ахбороти" тушунчаларининг аниқ белгиланганлигини, бу эса бухгалтерия ҳисобини юритиш принципларини янада тўлиқ очишга хизмат қилишини таъкидлаб ўтмоқчиман, — дейди Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси А. Тўхтабоев. — Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида Қонунчилик палатаси депутатлари, қўмиталари, депутатлар бирлашмалари, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, олимлар, экспертлар ва амалиётчи бухгалтерлар томонидан мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштиришга доир 70 дан ортиқ таклифлар билдирилди. Уларнинг аксарияти қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида инобатга олинди. Қонуннинг янги таҳрири фракциялар, шунингдек, Демократик кучлар блоки ва мухолифат фракциялари мажлисларида муҳокама қилинди, уларнинг нуқтаи назарлари ишлаб чиқилди.

Парламент қуйи палатаси депутатлари республикамизда донорликни янада ривожлантиришга қаратилган "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулкдорлар, жамоат ташкилотларининг назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибида юқори органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиш ҳуқуқини назарда тутувчи "Табиий монополиялар тўғрисида"ги ва "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқдилар.

Моддама-модда муҳокамадан сўнг депутатлар мазкур қонунлар лойиҳаларини маъқулладилар.

Парламент қуйи палатаси аъзолари қатор қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар. Хусусан, "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси қонун нормаларини халқаро талабларга мувофиқ ҳолга келтиришни назарда тутади. Бу эса истеъмолчилар ва давлатнинг маҳсулот, жараёнлар ва хизматлар хавфсизлиги соҳасидаги манфаатларининг ҳимоя қилинишини, маҳсулотни синаш ва ўлчаш халқаро услубларининг татбиқ этилишини таъминлайди.

Депутатлар "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"-ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар. Таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши геология-қидирув ишлари самарадорлигини янада оширишга ва ер ости бойликларидан фойдаланиш соҳасида рақобатли муҳитни яратишга, шунингдек, республикамизнинг минерал-хом ашё базасидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини сифатли ижро этишга ёрдам беради.

Қонунчилик палатаси мажлисида, шунингдек, фаолиятнинг айрим соҳаларини янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор бошқа қонун лойиҳалари биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Муҳокама якунларига кўра, депутатлар қонун лойиҳаларини концептуал жиҳатдан маъқулладилар ва уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, ҳужжатларни кейинги ўқишга тайёрлаш масъул қўмиталарга топширилди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Ахборот хизмати.**

# Ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу жараёнда хорижий давлатлар, хусусан, Ҳиндистон фармацевтика компаниялари билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилгани муҳим омил бўлмоқда. Юртимизда ҳиндистонлик инвесторлар иштирокида тузилган корхоналар сони йил сайин кўпайиб, дори воситалари, тиббий буюм ва биологик фаол қўшимчалар тайёрлаш ҳажми ортаётгани бунинг яққол далилидир.

— Республикамизда 8 мингга яқин дори воситаси давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса, шундан 1 минг 200 дан зиёди ҳиндистонлик ҳамкорларимиз томонидан етказиб берилаяпти, — дейди "Ўзфармсаноат" акциядорлик концерни Инвестиция лойиҳаларини комплекс бошқариш бўлими бошлиғи Жасур Одилов. — Бугунги тадбирдан кўзланган мақсад эса икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, келгусида ҳаётга татбиқ этилиши кўзда тутилган истиқболли лойиҳаларни муҳокама қилишдан иборатдир.

Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик ҳамда инвестиция муҳити фармацевтика саноати жозибадорлигини тобора оширмоқда. Пировардида ўтган йилда 25 га яқин инвестициявий лойиҳалар рўёбга чиқарилди.

— Юртингизда фармацевтика саноатини ривожлантириш бўйича кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганидан яхши хабардормиз, — дейди Ҳиндистон фармацевтика воситалари экспортини ривожлантириш кенгаши ("Pharmexcil") ҳудудий директори Абҳай Кумар Синҳ. — Бу жараёнда чет эллик инвесторларга имтиёзлар берилаётгани катта қизиқиш уйғотмоқда. Форумда иштирок этаётган 40 дан ортиқ компаниялар вакиллари ҳам мамлакатингиз билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ташриф буюрган.

Томонлар савдо-сармоявий алоқаларни янада кенгайтириш, биргаликда ўзаро фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Шу куни икки мамлакат ишбилармонларининг кооперация биржаси ҳам бўлиб ўтди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ.**

# Иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда таъкидланганидек, сўнгги йилларда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида чет эл инвестицияларини жалб қилиш, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш, улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятининг моддий-техника ва ташкилий шароитларини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилган.

Ҳозирги вақтда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида 19 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўтган давр мобайнида жалб этилган чет эл инвестицияларининг ҳажми 122 миллион АҚШ долларини ташкил қилди, уларнинг 35 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Фақатгина 2015 йилнинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 180 миллиард сўмдан ортиқни, экспорт ҳажми эса 5 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этди. 2014 йил билан таққослаганда, ўтган йили экспорт ҳажми 3 баравар ортди.

Шу билан бирга, муҳокама чоғида айтиб ўтилганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган ва дунё иқтисодиётининг ўсиш суръатлари пасайиб бораётган бир шароитда чет эл инвестицияларини жалб қилиш, хорижий корхоналар фаолиятини рағбатлантириш ва чет эллик инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ҳамда норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, қолаверса, тегишли органларнинг, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида лойиҳаларни рўёбга чиқаришга жалб этилган компанияларнинг фаолиятини кучайтириш ва масъулиятини ошириш талаб қилинмоқда.

Анжуман иштирокчилари томонидан инвестициявий иқлимни яхшилаш, мазкур соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, маҳсулотлар ишлаб чиқаришда рақобатдошликни ошириш, чет эл эркин иқтисодий зоналари тажрибасини ўрганиш борасида бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

# МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси вакиллари Ҳиндистон истеъмолчилар ассоциацияси таклифига биноан ушбу мамлакатнинг Тамил-Наду штатидаги Ченнай шаҳрида бўлди. Сафар доирасида икки ташкилот ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Маросимда Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси Ж. Саримсоқов, Ҳиндистон истеъмолчилар ассоциацияси раиси Н. Десикан ва бошқалар Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар турли йўналишларда ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг мулоқотларида эришилган келишувлар муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро ҳужжатлар доирасида турли давлатлардаги истеъмолчилар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳиндистон истеъмолчилар ассоциацияси билан имзоланган мазкур меморандум ўзаро тажриба алмашиш ва икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ташриф давомида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, озиқ-овқат хавфсизлиги, товар ва хизматларни баҳолаш каби мавзуларда интерфаол ўқув машғулотлари ташкил этилди. Унда мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг фаолияти тўғрисида тақдимот ролиги намойиш қилинди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари Ҳиндистонда хусусий сектор ва давлат идораларининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг кам таъминланган қатламларига молиявий ёрдам кўрсатиш, хусусан, Тамил-Наду штати Фуқароларни озиқ-овқат билан таъминлаш ва истеъмолчиларни ҳимоя қилиш департаменти ҳамда кичик бизнес вакилларига кредит берадиган "Equitas Holdings Limited" ташкилотининг фаолияти билан танишди.

**ЎзА.**

# Эзгулик ва истиқбол ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўз навбатида, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган уч босқичли мусобақалар тизими ўғил-қизларимизни янги марралар сари руҳлантириб, Ватан шаънини халқаро майдонларда муносиб ҳимоялайдиган спортчилар бўлиб етишишларида муҳим ўрин тутаяпти.

Айтиш керакки, республикамизда олиб борилаётган барча эзгу ишлар замирида баркамол авлод орзуси мустаҳкам ўрин эгаллаган. 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилингани ҳам ана шу устувор ғояга қаратилган.

"Соғлом авлод учун" ордени билан оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлиғини мустаҳкамлаш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга алоҳида ҳисса қўшаётган, фарзандлар саломатлигини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, уларни маънавий-интеллектуал жиҳатдан баркамол этиб вояга етказишда катта ютуқларга эришаётган юртдошларимиз тақдирланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Гулбаҳор Реимова йигирма беш йилдан буён болаларни ўқиш ва ёзишга ўргатади.

— Ўтган йили касб байрамимиз арафасида "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланганимда, хаёлимдан шундай ўй кечди: маънавий камолотнинг асоси — билим, етукликка эришишнинг негизи эса — саломатлик. Демак, жорий йилда баркамол авлодни тарбиялаш масаласи янада юқори босқичга кўтарилиши, шубҳасиз, — дейди у.

Чиндан ҳам, мамлакатимизда "Соғлом она — соғлом бола" тамойили асосида мазкур йўналишдаги ишлар такомиллаштириб борилмоқда. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли кейинги беш йилда республикамизда ҳар 100 минг чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 дан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 дан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичларнинг ўзиёқ Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришганини ифодалаб турибди.

Таъкидлаш жоизки, ёш авлоднинг саломатлигини муҳофазалаш ва камол топтириш билан бевосита шуғулланадиган касб эгаларигина эмас, балки болаларни ҳимоя қилишга ўз ҳиссасини қўшган турли чет давлатлар ҳамда жамоат тузилмаларининг вакиллари ҳам "Соғлом авлод учун" ордени билан мукофотланадилар.

Ушбу орденнинг таъсис этилиши юртимизда инсон ва унинг манфаатлари юксак эъзозланаётгани, саломатлиги, навқирон авлоднинг жисмоний ҳамда руҳий-маънавий камолоти олий қадрият, деб эътироф этилаётганининг ёрқин рамзидир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ.**



# ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЕТУК АВЛОД

## келажагимизнинг муносиб бунёдкорларидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Юртбошимиз "Фарзандларимизни болаликдан — асосан мактаб ёшидан бошлаб спортни ўзининг ҳаётдаги доимий ҳамроҳи деб билиши, улар умрбод спорт билан дўст бўлиб қолишини, бунинг учун барча шароит ва имкониятларни барпо этишни ўзимизга мақсад қилиб қўйган эдик", дея таъкидлаб, бу борада эришилаётган натижаларни аниқ рақамлар асосида кўрсатиб берди: 2005 йилда юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи, жумладан, қишлоқ жойларда 29 фоизи спорт билан шуғулланган бўлса, 2015 йилда бу рақамлар тегишли равишда 57,2 фоиз ва 56 фоизни ташкил этди. Бундай мисоллар мамлакатимиз бу борада катта ўсиш ҳамда ўзгаришга эришганидан яққол далолат беради.

Болалар спортини ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсадли ишлар боис ўғил-қизларимиз мунтазам шуғулланадиган спорт турларининг сони кескин равишда ошиб бораётгани қувонарлидир. Айтайлик, айни шу ёшдаги болалар 2005 йилда 43 турдаги машғулотга қатнаган бўлса, бугунги кунда улар 59 спорт тури билан шуғулланаётгани мазкур соҳадаги ютуқлар нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам ўсиб бораётганини кўрсатади.

Президентимиз ҳар бир чиқишида қизларни ёшлигидан спортга жалб қилиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтадилар. Чунки қиз бола эртага она бўлади, фарзандни дунёга келтиради. Зеро, эътироф этилганидек, она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади. Қуйидаги таҳлилда бу борадаги саъй-ҳаракатлар нечоғли самара бераётганини кўриш мумкин: қиз болаларнинг оммавий спорт билан шуғулланиш кўрсаткичи 2005 йилда 24 фоизни, хусусан, қишлоқ жойларда 22 фоизни ташкил этганди, холос. Бугунги кунда эса ушбу рақам 47 фоиз, қишлоқ жойларда эса 44,7 фоизга тенг.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида ҳам ушбу йўналишда муайян чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Жумладан, 2006/2007 ўқув йилидан бошлаб, вилоятлар кесимида хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналишида қабул йўлга қўйилди. Уни ҳар йили 300 нафардан зиёд ёшлар битириб чиқиб, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, олий таълим муассасаларида самарали меҳнат қилишмоқда. Умуман, бугунги кунгача мазкур йўналишда 1355 нафар мутахассис тайёрланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 1 апрелдаги "Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Ушбу ҳужжатда қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги қизларни спорт билан шуғулланишга фаол жалб этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, болалар ва ўқувчи ёшлар билан ишлашга аёллар орасидан юқори малакали, профессионал тайёрланган устоз кадрларни кенг жалб қилиш, уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантириш белгилаб қўйилган. Шуни айтиш керакки, 1999 йилда юртимизда уч мингга яқин аёл мураббийлар фаолият юритган эди. 2005 йилдаги кўрсаткич билан қиёслаганда эса бу борада улар сафи 3,8 баробар кўпайган.

Бугун спортчи қизларимизнинг нуфузли мусобақаларда — Олимпиада ва Осиё ўйинлари, жаҳон ҳамда қитъа чемпионатларида қўлга киритаётган ютуқлари барчамизни қувонтирмоқда. Улар эришаётган юксак натижалар давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантирилаяпти. 30 нафардан ортиқ спортчи қиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлгани бунинг далилидир.

Буларнинг барчаси спортни фарзандларимизнинг ҳаётий эҳтиёжига айлантиришга хизмат қилиб, уларда соғлом қараш, шижоат ва қатъиятни шакллантираётир. Ёшларимиз эришаётган юксак марралар тимсолида эса биз мустақиллик берган беқиёс имкониятлар, унинг аҳамияти ҳамда қадр-қимматини янада теран ҳис этаяпмиз.

**Нодир ҒАФФОРОВ,
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти проректори.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Ҳудудий дастурлар самараси

2013 — 2015 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида Оролбўйи минтақасида 526,7 миллиард сўм ҳамда 23,1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобига 5317 та лойиҳа амалга оширилди.

**ИНВЕСТИЦИЯ**

Пировардида 27 мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этилди.

Амударё туманида фаолият бошлаган "Алишер Саъдуллаевич" хусусий корхонасини ҳам ушбу дастур самараси, дейиш мумкин.

— Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, бир неча турдаги полиэтилен пакетлар тайёрлашни ўзлаштирдик, — дейди корхона иш бошқарувчиси Нурбек Худоёров. — Бунда банкнинг 213 миллион сўмлик молиявий кўмаги қўл келди. Ушбу кредит ҳисобига корхонамизга хориждан замонавий технология келтириб ўрнатилди. Доимий иш билан таъминланган 6 нафар йигит-қиз ушбу компьютерлаштирилган дастгоҳларни маҳорат билан бошқармоқда. Улар томонидан ойига 70 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, ички бозорга чиқарилаяпти.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

### НАВРЎЗ НАФАСИ

Юртимизда баҳор. Дарахт новдаларида қувончларимиз сурати, жилға-ариқларда ширин туйғуларимиз тўлқини, далаю даштларда яшиллик оҳори, гурунг-гаштакларимизда, қадам-қулочларимизда бунёдкорлик сурури акс этгандек, гўё.

# Таровати бетакрор, нафосати гўзал

Навоий вилоятининг Нурота тоғ тизмалари ортида — Қизилқум томонларда ҳам юртдошларимиз кўнгилларида ана шундай шукуҳ ҳукмрон. Саҳро бўлишига қарамасдан, яшил тусда товланаётган кенгликлар баҳордан дарак. Қўй-қўзилар ортидан юрган чўпонларнинг “ҳой-ҳой”и қулоққа ёқимли эшитилади.

Чорвадорлар орасида бир гап бор: “Чўпоннинг бардоши қўйнинг туёғидан қаттиқ бўлсагина, бу касбнинг машаққатига чидайди”. Чиндан-да, чўпонликнинг заҳмати кўп. Катта сурувнинг ортидан юриш, қишнинг изғиринию ёзнинг жазирамасига чидаш осон эмас. Бундай меҳнат инсон иродасини, сабр-бардошини синовдан ўтказади. Айниқса, аёзли кунларнинг чўпонлар учун ўзига хос синовлари ва қийинчиликлари бор. Мана ўша кунлар ортда қолди. Президентимизнинг жорий йил 19 февралдаги “2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига асосан, мазкур воҳада ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари қизғин тус олди.

Ўзининг кўрку таровати, нафосати, мазмун-моҳияти билан бунёдкорлик ва яратувчанликни, меҳр-мурувват ҳамда ҳамжиҳатликни, умуман, табиат уйғонишини ифодаловчи Наврўз асрлар давомида боқий қадрият, асл миллий байрамимиз сифатида яшаб келаётир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, азал-азалдан халқимизнинг эзгу ва гўзал қадриятларини, унинг олижаноб орзу-интилишларини ўзида мужассам этиб, қадим аждодларимиздан бизга ўлмас мерос сифатида безавол ўтиб келаётган Наврўзи олам мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган, чин маънодаги умумхалқ байрамига айланди.

Ўтмишда ҳамал буржига кирган вақтда тоғликлар кўч-кўронини далага олиб чиқиб, “Ҳамал кирди — амал кирди” дея баҳорги экин-тикин ишларини бошлаб юборганлар. Айни кунларда Қоратоғ ва Оқтоғ этакларидаги қўрғонлар ўз жозибасини кўз-кўз қилаяпти. Қишлоқлар, овуллар бири-бирига сира ўхшамайди.



Республикамизнинг ҳудудий жиҳатдан энг катта туманлари — Учқудуқ ва Томдида ҳам Наврўз айёми катта шодиёналар билан қарши олинмоқда.

— Байрам куни миллий таом — Наврўзгўжа тайёрланади, — дейди “Маҳалла” фонди Томди тумани бўлими раиси Дусенбай Кетибаев. — Бизда гўшт билан бирга, етти хил маҳсулот ишлатилган таом ўзгача таъмга эга. Чунки бу овқатлар “илигузилди” пайтида кишига қувват бағишлайди.

Шундан сўнг миллий ўйинларга навбат берилади. Масалан, ёш йигит-қизларнинг чавандозлик маҳоратини синовдан ўтказадиган “Қиз қуу” (Қиз қувди) ўйинида моҳир чавандозлар саралаб олинади. Ғолиб бўлган йигит ёки қиз ўз шартини қўяди. “Алти бақан” ўйинида дўмбирада куйлар ижро этилади. Қизиқарли томони, қўшиқлар айтишда йигит-қиз баҳслашади.

Овулларда ўтаётган халқ сайиллари “қора уй”, яъни ўтовларда миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўз-кўз қилинади. Турли ширинликлар билан дастурхонлар безатилади. Алпқомат йигитлар кураш тушишади, сулувлар дўмбиралар жўрлигида қўшиқлар куйлашади. Эндигина тетапоя қилаётган болакай қувончини нишонлаш мақсадида “Тушов кесар” удуми одатга айланган. Унда боланинг оёғига боғланган турли ранглардаги ипни овулда ҳурматга сазовор бўлган ёши улуғ оқсоқол қайчи билан кесиб юборади. Ушбу манзарани кузатиб турган эл-қариндошлар яхши ниятлар билдириб, рақсга тушишади.

Бугунги кунда аждодлардан мерос Наврўз ҳикматларини ардоқлаб келаётган чўлқуварлар ўзгача кайфиятда. Ўша куни қиз туғилса — Наврўзгул, ўғил бўлса — Наврўзбек, деб исм берилади. Байрам кунида момолар “Чақалоқни бешикка белаш” расм-русумини адо этиб, бешик устидан ширинликлар сочади.

Мухтасар айтганда, шодмон кунларни бағрига олиб кириб келаётган Наврўз элимизда ободончилик ва меҳру оқибат рамзи сифатида қаршиланади. Янги кун мукаррамлиги одамларни, яшариш, янгиланиш чўққилари сари етаклайди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ташқи бозорда ҳам харидоргир

Деҳқонобод туманида доривор гиёҳ — каврак ўсимлиги ширасини қадоқлаш ҳамда уни экспорт қилиш лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилди.

### ИЗЛАНИШ

Мутахассисларнинг таъкидлашича, тоғларда ўсадиган ушбу ўсимлик смоласи тиббиётда томир тортишиши, шамоллашнинг турли кўринишлари, асаб ва бошқа касалликларни даволашда кенг қўлланилади. Шу боис бугунги кунда фармацевтика саноатида унга талаб ортиб бормоқда.

Деҳқонобод туманида яқинда фаолият бошлаган “Natural Assoefetida” қўшма корхонаси уни етиштириб, саноат усулида қайта ишлайдиган вилоятдаги дастлабки корхона ҳисобланади. Эътиборлиси, бу ерда каврак шираси 10 килограммдан 25 килограммгача бўлган идишларда қадоқланиб, хорижий мамлакатлардаги буюртмачиларга жўнатилаётир.

Ўтган йили чет эллик ҳамкорларга 40 минг АҚШ долларилик маҳсулот етказиб берилган бўлса, жорий йилда экспорт ҳажмини янада кўпайтириш режалаштирилган.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ЭЪЛОНЛАР

RESPUBLIKA MULK MARKAZI AJ RMM AKSIYADORLIK JAMIYATI

***«Respublika mulk markazi» АЖ — 20 йиллик вақт билан синалган ишончли ҳамкор.***

**Хўжалик жамиятлари устав фондидаги улушлар, асбоб-ускуналар, автомототранспорт воситалари ва бошқа турдаги мулкларнинг оммавий савдоларига таклиф этамиз.**

**Телефонлар: (0-371) 228-79-52, 228-80-31. www.rmm.uz**

## «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига «JV MAN Auto-Uzbekistan» МЧЖ шаклидаги ҚКга тегишли, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 32-«А» уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

**1.** «Nexia-2 DOHC» русумли, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, кулранг тусли (серебристый), техник ҳолати таъмирталаб, давлат рақами 01/870 YAA.

***Бошланғич баҳоси — 26 855 000 сўм.***

**2.** «Damas» русумли, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, техник ҳолати таъмирталаб, давлат рақами 30/869JAA.

***Бошланғич баҳоси — 22 424 000 сўм.***

**3.** «Matiz» русумли, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, техник ҳолати таъмирталаб, давлат рақами 01/968 VBA.

***Бошланғич баҳоси — 19 382 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 5 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 1 апрель куни соат 18.00.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим қилинади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

*Гувоҳнома № 001580.*

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.**

***Хорижий сармоядорлар диққатига!***

«Respublika mulk markazi» АЖнинг устав фондидаги 34 фоизни ташкил этадиган, давлатга тегишли, бошланғич баҳоси 1 568 627 339 сўм бўлган акция пакетини «Тошкент» Республика фонд биржасининг савдолари орқали сотиб олишга таклиф этамиз!

Жамият 1994 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Жамиятнинг асосий фаолияти юридик ва жисмоний шахсларга ҳамда давлатга тегишли автомототранспорт воситаларининг, хўжалик жамиятлари устав фондидаги улушларнинг, асбоб-ускуналарнинг аукцион ва танлов савдоларини ташкил этишдан иборат. Жамият Тошкент шаҳрида ўзининг маъмурий биносига, автотранспорт воситаларига, зарур оргтехника ва офис жиҳозларига эга.

Мамлакатимиз қонунчилигига кўра, хорижий инвесторлар Ўзбекистон Республикасида 2020 йил 1 январгача акциядорлик жамиятларида ўзларига тегишли бўлган акциялардан дивиденд тарзида оладиган даромадларидан солиқ тўлашдан озод қилинганлар.

**Телефон: (0-371) 227-90-23. Веб-сайт: www.rmm.uz**

385R/146

## «AGROSANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ Қашқадарё филиали

**очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**2016 йил 18 март куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Ғузор тумани СИБ томонидан Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 3 апрелдаги 18-1404/632-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Гиссарнефтгаз» МЧЖ автобазасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

● 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «УРАЛ-4320» русумли, давлат рақами 70/154 RAA.

***Бошланғич баҳоси — 308 976 480 сўм.***

● 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «УРАЛ-32550010-41» русумли, давлат рақами 70/086 RAA.

***Бошланғич баҳоси — 215 739 456 сўм.***

● 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «УРАЛ-55571» русумли, давлат рақами 70/862 RAA.

***Бошланғич баҳоси — 308 976 480 сўм.***

● 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «УРАЛ-4320» русумли, давлат рақами 70/380 RAA.

***Бошланғич баҳоси — 237 577 728 сўм.***

● 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «УРАЛ-55571» русумли, давлат рақами 70/129 MAA.

***Бошланғич баҳоси — 197 748 768 сўм.***

● 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «УРАЛ-4320» русумли, давлат рақами 70/460 RAA.

***Бошланғич баҳоси — 435 414 720 сўм.***

● 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «ПАЗ-4234» русумли, давлат рақами 70/128 MAA.

***Бошланғич баҳоси — 142 246 560 сўм.***

● 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «УРАЛ-32550010-41» русумли, давлат рақами 70/306 RAA.

***Бошланғич баҳоси — 229 922 688 сўм.***

● 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «КРАЗ-65101» русумли, давлат рақами 70/480 RAA.

***Бошланғич баҳоси — 393 439 488 сўм.***

● 2005 йилда ишлаб чиқарилган, «МАЗ-365151» русумли, давлат рақами 70/382 RAA.

***Бошланғич баҳоси — 159 028 416 сўм.***

● 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «Lacetti BVD» русумли, давлат рақами 70/557 JAA.

***Бошланғич баҳоси — 48 461 856 сўм.***

● 2014 йилда ишлаб чиқарилган, «Cobalt» русумли, давлат рақами 70/345 TAA.

***Бошланғич баҳоси — 48 008 352 сўм.***

● 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «УАЗ-315148095» русумли, давлат рақами 70/860 OAA.

***Бошланғич баҳоси — 36 780 000 сўм.***

● 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «УАЗ-396259 ГБА СПГ» русумли, давлат рақами 70/866 OAA.

***Бошланғич баҳоси — 32 858 400 сўм.***

● 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «УАЗ-315148095» русумли, давлат рақами 70/139 MAA.

***Бошланғич баҳоси — 35 361 312 сўм.***

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 47-уйда ўтказилади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ҳамда 2016 йил 16 март куни соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолаганидан сўнг автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Agrosanoat mulk markazi» МЧЖ Қашқадарё филиалининг АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»даги МФО: 00155, СТИР: 207181937, 20208000200221739002 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари шарт: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

**Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 47-уй. Мўлжал: «Алоқабанк» Қарши филиали биноси. Телефонлар: (+99891) 452-24-51, (+99893) 903-00-76. www.asmm.uz**

Гувоҳнома: 006388.

381A/166

## «NEW TRANS ALLIANCE» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**2016 йил 22 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Бекобод шаҳар СИБ томонидан 2015 йил 21 декабрдаги 11852-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

* Давлат рақами 02-40 НБ, завод рақами 031417, двигатель рақами 663200, кўк рангли, техник носоз ҳолда, Бекобод шаҳар «Бекобод агротехсервис» МТП МЧЖ қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш майдонида сақланаётган «ТТЗ 80-11» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 33 858 200 сўм.***

* Давлат рақами 02-41 НБ, завод рақами 031420, двигатель рақами 737998, кўк рангли, техник носоз ҳолда, Бекобод шаҳар «Бекобод агротехсервис» МТП МЧЖ қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш майдонида сақланаётган «ТТЗ 80-11» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 33 858 200 сўм.***

* Давлат рақами 02-42 НБ, завод рақами 031416, двигатель рақами 663242, кўк рангли, техник носоз ҳолда, Бекобод шаҳар «Бекобод агротехсервис» МТП МЧЖ қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш майдонида сақланаётган «ТТЗ 80-11» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 33 858 200 сўм.***

* Давлат рақами 02-43 НБ, завод рақами 031387, двигатель рақами 737156, кўк рангли, техник носоз ҳолда, Бекобод шаҳар «Бекобод агротехсервис» МТП МЧЖ қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш майдонида сақланаётган «ТТЗ 80-11» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 33 858 200 сўм.***

* Давлат рақами 02-44 НБ, завод рақами 031446, двигатель рақами 662967, кўк рангли, техник носоз ҳолда, Бекобод шаҳар «Бекобод агротехсервис» МТП МЧЖ қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш майдонида сақланаётган «ТТЗ 80-11» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 33 858 200 сўм.***

* Давлат рақами 02-45 НБ, завод рақами 031397, двигатель рақами 663241, кўк рангли, техник носоз ҳолда, Бекобод шаҳар «Бекобод агротехсервис» МТП МЧЖ қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш майдонида сақланаётган «ТТЗ 80-11» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 33 858 200 сўм.***

* Давлат рақами 02-46 НБ, завод рақами 031399, двигатель рақами 661152, кўк рангли, техник носоз ҳолда, Бекобод шаҳар «Бекобод агротехсервис» МТП МЧЖ қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш майдонида сақланаётган «ТТЗ 80-11» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 33 858 200 сўм.***

* Давлат рақами 02-47 НБ, завод рақами 031403, двигатель рақами 741561, кўк рангли, техник носоз ҳолда, Бекобод шаҳар «Бекобод агротехсервис» МТП МЧЖ қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш майдонида сақланаётган «ТТЗ 80-11» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 33 858 200 сўм.***

* Давлат рақами 02-48 НБ, завод рақами 0314014, двигатель рақами 661135, кўк рангли, техник носоз ҳолда, Бекобод шаҳар «Бекобод агротехсервис» МТП МЧЖ қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш майдонида сақланаётган «ТТЗ 80-11» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 33 858 200 сўм.***

* Давлат рақами 02-49 НБ, завод рақами 031400, двигатель рақами 661147, кўк рангли, техник носоз ҳолда, Бекобод шаҳар «Бекобод агротехсервис» МТП МЧЖ қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш майдонида сақланаётган «ТТЗ 80-11» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 33 858 200 сўм.***

* Давлат рақами 02-50 НБ, завод рақами 031402, двигатель рақами 737317, кўк рангли, техник носоз ҳолда, Бекобод шаҳар «Бекобод агротехсервис» МТП МЧЖ қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш майдонида сақланаётган «ТТЗ 80-11» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 33 858 200 сўм.***

* Давлат рақами 02-51 НБ, завод рақами 031396, двигатель рақами 662897, кўк рангли, техник носоз ҳолда, Бекобод шаҳар «Бекобод агротехсервис» МТП МЧЖ қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш майдонида сақланаётган «ТТЗ 80-11» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 33 858 200 сўм.***

* Давлат рақами 02-52 НБ, завод рақами 031398, двигатель рақами 662393, кўк рангли, техник носоз ҳолда, Бекобод шаҳар «Бекобод агротехсервис» МТП МЧЖ қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш майдонида сақланаётган «ТТЗ 80-11» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 33 858 200 сўм.***

* Давлат рақами 02-56 НБ, завод рақами 031394, двигатель рақами 663217, кўк рангли, техник носоз ҳолда, Бекобод шаҳар «Бекобод агротехсервис» МТП МЧЖ қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш майдонида сақланаётган «ТТЗ 80-11» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 33 858 200 сўм.***

* Давлат рақами 02-57 НБ, завод рақами 031395, двигатель рақами 663232, кўк рангли, техник носоз ҳолда, Бекобод шаҳар «Бекобод агротехсервис» МТП МЧЖ қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш майдонида сақланаётган «ТТЗ 80-11» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 33 858 200 сўм.***

* Давлат рақами 02-58 НБ, завод рақами 031405, двигатель рақами 741170, кўк рангли, техник носоз ҳолда, Бекобод шаҳар «Бекобод агротехсервис» МТП МЧЖ қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш майдонида сақланаётган «ТТЗ 80-11» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 33 858 200 сўм.***

* Давлат рақами 02-59 НБ, завод рақами 031404, двигатель рақами 663205, кўк рангли, техник носоз ҳолда, Бекобод шаҳар «Бекобод агротехсервис» МТП МЧЖ қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш майдонида сақланаётган «ТТЗ 80-11» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 33 858 200 сўм.***

* Давлат рақами 09-60 НЕ, двигатель рақами 73105711, қизил рангли, «Бекобод агротехсервис» МТП МЧЖ қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш майдонида сақланаётган «Magnum-255» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 135 467 000 сўм.***

* Давлат рақами 09-61 НЕ, двигатель рақами 73105726, қизил рангли, «Бекобод агротехсервис» МТП МЧЖ қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш майдонида сақланаётган «Magnum-255» русумли трактор.

***Бошланғич баҳоси — 135 467 000 сўм.***

* Давлат рақами 97-54 ЕЦ, двигатель рақами 0664979, яшил рангли, «Бекобод агротехсервис» МТП МЧЖ қишлоқ хўжалиги техникаларини сақлаш майдонида сақланаётган «New Holland 50-60» русумли комбайн.

***Бошланғич баҳоси — 146 743 000 сўм.***

Аукцион савдосига Оҳангарон тумани СИБ томонидан 2015 йил 16 сентябрдаги 1-4359-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Y 779 НА бўлган «Lacetti» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 42 500 000 сўм.***

Шунингдек, 2016 йил 4 апрель куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Оққўрғон тумани СИБ томонидан 2015 йил 30 ноябрдаги 11-05/4467-03-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Х 953 АА бўлган «ГБА СПГ Nexia» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 20 000 000 сўм.***

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «New trans alliance» МЧЖнинг АТ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604.

Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади. Телефон: (+99895) 504-99-85.**

Гувоҳнома № 004593.

374R/172

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# МАДАНИЯТ хабарлари

Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида “Ўзбекистон — бағрикенг диёр” шиори остида фотокўргазма уюштирилди.

## Бунёдкорлик таравнуми

Унда фотосанъати усталарининг мамлакатимизда амалга оширилган кенг миқёсли янгиланишлар, бой тарихимиз, миллий қадриятларимиз акс этган суратлари намойиш қилинди.

Кўргазма уч бўлимдан иборат бўлди. Чунончи, биринчи бўлимда республикамизнинг турли ҳудудларидаги бунёдкорлик жараёни ўз ифодасини топди. Кейинги бўлимларда эса спортчиларимизнинг халқаро арenaлардаги улкан ғалабалари, юртимиздаги муҳташам спорт иншоотлари, муқаддас қадамжоларда олиб борилган таъмирлаш-ободонлаштириш ишлари тасвирланган.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**

Бухорода вилоят болалар мусиқа ва санъат мактаблари хор жамоаларининг фестивали ўтказилди.

## Ватан мадҳи

Миллий мусиқа санъатимиз ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли композитор Мутал Бурҳонов таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб вилоят ҳокимлиги, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбир ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш ва рағбатлантиришга қаратилган.

Фестиваль репертуари Ватан ҳақидаги қўшиқлардан иборат бўлди. Якунда Бухоро шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби хор жамоаси бош совринни қўлга киритди.

Ғолиб ҳамда совриндорлар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Шавкат ХЎЖАҚУЛОВ.**

Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейида Соғлом она ва бола йили ҳамда Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан “Баҳор вернисажи” деб номланган кўргазма бўлиб ўтмоқда.

## Тасвирларда ҳаёт манзаралари

Унда рангтасвирчи аёл рассомларнинг бахтиёр оналар, навқирон авлоднинг интилишлари ифодаланган элликдан ортиқ ижодий ишлари ўрин олган. Айниқса, Г. Раҳмонова, М. Ўлмасова, Д. Мамедова, Н. Темиргалиева сингари мўйқалам усталарининг асарлари томошабинларда илиқ таассурот уйғотаяпти.

**Моҳира АДИЗОВА.**




## Нодир китоблар дўкони

Урганч шаҳрида нодир китоблар дўкони иш бошлади.

— Мазкур зиё масканида, асосан, аҳоли томонидан бизга топширилган ижтимоий-сиёсий, илмий ва бадиий адабиётлар сотувини йўлга қўйдик, — дейди “Мақсадбек Шоира” корхонаси раҳбари Шавкат Матчонов. — Ҳозирнинг ўзида китобхонларга манзур бўладиган 6 мингдан ортиқ асарлар пештахталардан жой олди. Уларнинг аксарияти ноёб китоблардир. Шунингдек, нашриётларимизда чоп этилган асарларни ҳам аҳолига таклиф қилаяпмиз. Муҳими, дўконимиз одамлар билан гавжум. Бу юртдошларимизда адабиётга, китобга меҳр кучли эканлигидан далолатдир.

**ҚУЛАЙЛИК**

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**







Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 367. 140 454 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.47 Топширилди — 21.55 1 2 3 4 5 6